47 – буюртма. 100 нусха. Ҳажми 1,6 б.т.
2009 йил 27 майда босишга рухсат этилди.
Низомий номидаги ТДПУ Ризографила
нашр қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК.151.8

ҚУРБОНОВА ГУЛЧЕҲРА АБДУЛЛАЕВНА

ОИЛАДАГИ ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ФАРЗАНД ИЖТИМОИЙ ПЕРЦЕПЦИЯСИГА ТАЪСИРИ

(тасвирий санъат йўналишида тахсил олаётган ўқувчилар мисолида)

19.00.05 - Ижтимоий психология; этнопсихология

Психология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2009

Диссертация Республика «Оила» илмий-амалий марказида бажарилган.

Илмий раҳбар: психология фанлари доктори
Нуриддин Солихович Сафоев

Расмий оппонентлар: психология фанлари доктори, профессор
Шариф Рамазонович Баротов

психология фанлари номзоди
Камола Атҳамджановна Фарфиева

Етакчи ташкилот: Қарши Давлат университети

Диссертация химояси 2009 йил «30» июн соат 14⁰⁰ да Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги психология фанлари номзоди илмий даражасини бериш бўйича К.067.18.04 рақамли Бирлашган Ихтисослашган Кенгаш мажлисида бўлиб ўтади (100070, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (998712) 54-92-02, Факс (99871) 2815618).

Диссертация билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил «27» май да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, психология фанлари номзоди **Е.Ю. Агзамова**

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиздаги мустақил, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамият қуриш йўлидаги улкан ишлар инсон моҳиятини янгидан кашф қилишга, унинг ўзлигини англашдаги имкониятларини рўёбга чиқаришга ва маънавий баркамол, интеллектуал ҳамда аклий-амалий жиҳатдан мукаммал етук кадрларни тайёрлаш учун янги шарт-шароитлар яратиб бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида И.А.Каримовнинг "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" мавзуида қилган маърузаларида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларида еттинчи устувор вазифа сифатида "барча ислоҳотларнинг бош йўналиши ва пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезони" эканлиги таъкидланган эди[1].

Мустақил Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон омилини ҳар қачонгидан ҳам юқори савияга кўтариб, уни қучи, идроки, салоҳияти, психологик ва маънавий баркамоллигини бевосита тараққиёт, цивилизация ва ривожланиш билан узвий боғлади. Бундан эса ҳар бир шахснинг ўз мукаммаллиги, ўзини билиши, бошқаларни англаши муаммоси ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланди.

Маълумки, ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафақат айрим ота-оналар, балки бутун жамият учун жуда кимматга тушишини ҳам кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин[2].

Президентимизнинг ҳар бир нутклари, асарларида ўсиб келаётган ёш авлод давлат келажаги бўлиши ёшлар муаммоларига бағишланиши ва алоҳида ўрин берилиши мустақил Ўзбекистон фуқаролари шахсини шакллантириш, шахс тузилмасида маънавий компонентининг ўрни канчалик аҳамиятга эга эканлигини исботлайди. Зеро, бозор муносабатларига ўтишда содир бўлиши мумкин бўлган маънавий таназзулнинг олдини олиш, юзага келиш эҳтимолини пасайтириш ва соғлом эътиқод, муносабат, дунёқарашига эга баркамол инсон шахсини шакллантиришдаги муҳим вазифалар сирасига киради.

Шунингдек, оиланинг ижтимоий маскан сифатида фарзанд камолотида тутган ўрни, унинг ўз қобилияти ва иктидорини намоён этишига таъсири масалалари ҳамиша долзарб бўлиб келганлигини инкор этиш мумкин эмас. Бу мавзу ҳам кўп замонлардан буён инсоният тарихида яшаган жуда кўплаб

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, 1997. - 48 б.
[2] Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. - 55 б.

донишманд ва алломаларнинг эътиборидаги энг муҳим муаммолардан бўлиб келгандир.

Буюк Суқрот ўз даврида "Ўз-ўзингни бил!" деган шиорни ўртага ташлаган бўлса, ҳозирги давр бу шиорни кенгайтириб: "Ўз ёнингдагиларни ва уларнинг сенга муносабатини ҳам бил!", - тарзида қарашни ҳар қачонгидан долзарб қилиб қўйди[3]. Айни шу муаммони ечишда шахслараро муносабатлар психологиясини махсус жиҳатларини, айниқса, шахснинг оила мухитидаги кузатиладиган ўзаро муносабатлардан оладиган таъсири, бу таъсир унинг келгусида қандай инсон бўлиб етишишига етарли замин бўлишининг ўзига хос хусусиятларини билиш долзарб характерга эга. Чунки инсониятнинг тарихий, ижтимоий ва онтогенетик тараққиётининг ҳамма босқичларида ота-онанинг ва фарзандлари характери ва бу муносабатларнинг бола шахси ривожига таъсири ўта муҳим муаммо бўлиб келган ва кейин ҳам шундай бўлиши кузатилмоқда.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, ишнинг долзарблигини қуйидагилар билан изоҳлашимиз мумкин: оилавий муҳит жамият учун соғлом фикрдаги авлодни тарбиялашнинг асосий бўғини ва бу эса ота-она билан фарзанд ўзаро муносабатларида шаклланишига боғлиқ эканлигини; санъат доимо инсонларни тарбиялашнинг асосий воситаси, деб қаралганлигини инобатга олиш ва уни оилавий мухит билан уйғунлаштиришнинг зарурлиги; ўсмир ижтимоий воқеликнинг вакили сифатида камол топар экан, унинг ижтимоий тасаввурлари ва идрокини шакллантириш ҳамда баҳолаш таълим ва тарбия ишини ташкил этишда муҳим омил сифатида хизмат қилиши мумкинлиги ҳамда уларнинг шахслараро муносабатга, ҳаётий позицияларини белгилашдаги ролини аниқлаш зарурати мавжуддир.

Республикамизда таълим-тарбия жараёнига жаҳон стандартлари талаблари даражасида эътибор қаратилиб келинмоқда. Ҳозирги кунда деярли, ҳар бир вилоятда тасвирий санъат йўналишида махсус коллеж ва лицейлар фаолият олиб бормоқда. Бундай таълим муассасалари ташкил этилишидан мақсад, ўқувчи шахсининг дунёқарашини кенгайтириш билан бирга, унинг ташқи оламни идрок этиши, санъатга бўлган кизиқишини ошириш, ўз қобилиятини тўлароқ ва яққолроқ ривожлантиришига имконият яратиш бўлиб, бу борада шахснинг оила мухитида олиб борадиган шахслараро муносабатлар тизимининг характери, унда ижтимоий перцепция жараёнига эътибор бериш масаласи ниҳоятда долзарб масала ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шарқнинг буюк алломалари ҳисобланган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Кайковус, Хотам Ибн Той, Алишер Навоий, Заҳириддин Мухаммад Бобур, Ризоуддин Ибн Фахриддин, Муқимий, Фуркат, Завкий, Увайсий, Нодира, Абдулла Авлоний каби кўплаб олим ва ёзувчилар фарзанд ривожланишида оилавий муносабатларнинг таъсирини уктириб ўтганлар.

[3] Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология. Маърузалар матни. - Т., 2000. - 6 б.

Бир қатор хориж ва рус тадқиқотчилари томонидан (Дж. Брунер, Шомбар де Лов, Ортега - и Гассет Х., Л.С. Выготский, С.Л. Рубинштейн, А.Н. Леонтьев, Б.Г. Ананьев, А.В. Запорожец, А.А. Бодалев, Б.Ф.Ломов, А.А. Леонтьев, М.И. Лисина) шахс ривожланиши психологик механизмлари ўрганилган; Г.М. Бреслав, А.Г. Волков, В. Ғарбузов, И.А. Двойменний, Р.М. Капралова, С.В. Ковалев, А.П. Левкович, Э.И. Павлович, В.Л. Титаренко, И.В. Бестужев-Лада томонидан оила ва оиладаги уларнинг фарзанд шахси ривожига таъсири, шахслараро муносабатлар илмий тадқиқотлар асосида ўрганилган;

Ижтимоий перцепциянинг психологик структураси Дж. Брунер, А.А. Бодалев, Г.М. Андреевалар томонидан тадқиқ этишган.

Ижтимоий-психологик, ижтимоий-педагогик ҳамда социологик жиҳатдан тасвирий санъатни идрок этиш хусусиятларини В.С. Кузин амалга оширган бўлиб, унинг илмий изланишида шахс ижтимоий перцепцияси элементлари ўрганилган.

Республикамиз олимларидан М.Г.Давлетшин, В.М.Каримова, Ғ.Б.Шоумаров, Б.Р.Қодиров, Э.Ғ.Ғозиев, Ш.Р.Баротов, Р.И.Суннатова, Н.С.Сафоев, А.А.Файзуллаев, В.А.Токарева сингари психологлар маълум тадқиқот ишини олиб борганлар. Улардан В.М.Каримова, Г.Б.Шоумаров, М.Г.Давлетшин, Н.А.Соғинов, Б.М.Умаровлар ва бошқалар оила ҳамда ундаги шахслараро муносабатлар масаласига эътибор каратган бўлсалар, Э.Ғ.Ғозиев, Ш.Р.Баротов, Р.И.Суннатова, Н.С.Сафоев, А.А.Файзуллаев ва бошқалар томонидан психологиянинг махсус сохалари бўлмиш шахс психологияси, муомала психологияси, ўз-ўзини англаш, ижодий тафаккурни ривожлантириш каби бир қатор мавзулар махсус илмий тадқиқот предмети сифатида ўрганилгандир.

Одам ҳақидаги илк тасассуротнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақида П.С.Эргашев ўзининг номзодлик диссертациясида тадқиқ этган.

Лекин ўзбек оиласида шахслараро муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсирининг психологик хусусиятларини махсус ўрганиш иши олиб борилмаганлиги, бизнинг ушбу мавзуни танлашимизга асос бўлди.

Диссертация ишнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси "Оила" илмий-амалий марказининг истиқбол режалари, ҳамда марказ томонидан ишлаб чиқилган "XXI аср оиласи" концепцияси доирасида кўзда тутилган вазифалар, амалга оширилаётган давлат илмий-тадбикий изланишлар дастури ҳамда "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури", Халқ таълими вазирлигининг ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик таҳлил Республика Маркази режалари билан боғлиқдир.

Тадқиқот мақсади: ўзбек оиласида шахслараро муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсирининг психологик хусусиятларини ўрганишдир. Бунда асосан ўсмир ва илк ўспиринларнинг шахс перцептив хусусиятлари ривожини тасвирий санъат оркали ўрганиш, оиладаги фарзанд хис-туйғусини шаклланишида санъатнинг ролини ўрганиш устувор этиб

белгилаб олинди.

Тадқиқот вазифалари:

1. Ижтимоий перцепция муаммосига доир илмий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;

2. Оиладаги шахслараро муносабатлар характерининг фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсирини ўрганишнинг илмий-амалий асосларини тизимлаштириш;

3. Ота-она ва фарзанд муносабатларининг ўсмир ва илк ўспиринлар психик тараққиётида намоён бўлиши хусусиятларини аниқлаш;

4. Оиладаги шахслараро муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсирини аниқлаш, ўрганиш.

5. Ўсмир ва илк ўспиринларда ижтимоий перцепция шаклланишида уларнинг касбий фаолият мотивларини, касбга кўра шахс типларига хос муносабатларини аниқлаш, ўрганиш.

6. Натижалар асосида хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот объекти сифатида биз Алишер Навоий номли нафис санъат лицейи ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари; Дизайн коллежи, Миллий ҳунармандчилик коллежи ўқувчи талабалари ҳамда уларнинг ота-оналарини олдик. Жами: тадқиқот ишида 650 нафар респондент иштирок этди.

Тадқиқот предмети - оилаларда кузатиладиган шахслараро муносабатлар, муносабатларнинг намоён бўлиши хусусиятлари, ота-она муносабатларининг фарзандларга таъсирида шаклланадиган ижтимоий перцепцияси хусусиятлари.

Тадқиқот илмий фарази:

- Оиладаги шахслараро муносабатлар фарзанднинг мулокот жараёни характерига таъсир этиши, симпатия ёки аксинча, антипатия хисларини шаклланишига боғлиқ бўлиши;

- Оиладаги шахслараро муносабатлар ижтимоий омил сифатида фарзанд перцепциясига таъсир этиши;

- Оилада санъат асарлари, жумладан, тасвирий санъат асарларига нисбатан тўғри ва ижодий муносабатни шакллантириш ўсмирларни ва илк ўспиринларни шахслараро муносабатга тайёрлаши, ўзаро эмпатияни, келажак режаларини белгилаши ҳамда "Мен тимсоли" шаклланишига имконият туғдириши эҳтимол.

Тадқиқотнинг методлари:

1. "Оиладаги ҳаётга муносабатни аниқлаш" Варга-Столин тести.
2. "Болаларга нисбатан муносабатни аниқлаш" (В.В.Бойко тести).
3. "Эмпатияни экспрессив диагностика қилиш" методикаси (И.М.Юсупов).
4. "М.Куннинг "Мен кимман?" проектив методикаси.
5. Холланднинг "Шахс типлари ва уларга мос касбларни аниқлаш" тести.
6. Махсус тузилган «ИПМ – ижтимоий-психологик мослашганлик» сўровномаси, шунингдек, суҳбат ва кузатиш методлари.
7. Е.А.Климовнинг "Дифференциал диагностик сўровномаси"(ДДС).

8. Касбий фаолиятнинг асосий мотивлари (мойилликлари)ни аниқлаш усули ("Касб танлаш мотивини аниқлаш" методикаси).
9. Санъат асарларига муносабатни шакллантириш бўйича суҳбат натижалари.
10. Олинган натижаларни қайта ишлаш учун математик статистик ҳисоб методлари.

Тадқиқотнинг методологик асоси. Тадқиқотимизга мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг таълим-тарбия, маънавият, оила, шахс камолотига қаратилган маъруза, асарларида илгари сурилган ғояларига шунингдек, мазкур муаммо юзасидан Шарқ мутафаккирларининг инсон камолоти ҳамда оилавий турмуш, ота-она ва фарзанд муносабатлари тўғрисидаги таълимотларига ҳамда шахснинг шаклланишида миллий-психологик ўзига хослик ва умуминсоний қадриятларнинг ягоналигини белгиловчи умуммиллий методологиядан; психик ходисаларнинг тадқиқ этишга комплекс ёндашиш (Б.Г. Ананьев), шахс шаклланишининг тарихий маданий концепцияси (Л.С. Выготский), шахснинг ижтимоий-психологик ва ижтимоий перцецияни тавсифловчи концепциялар (А.А. Бодалев, Дж.Брунер, Г.М. Андреева ва бошқалар) ғоявий асос сифатида хизмат қилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. Оилавий муносабатлар ота-она фаолиятини барча жабҳалари орқали фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсир кўрсатади. Фарзанд ушбу таъсирда ота-онанинг фаолияти, унинг ижтимоий нуфузи, муносабат услуби, қўллаб-қувватлаши ҳамда келажакдаги фаолиятига бераётган йўналишига таяниб ўзиннг ижтимоий тасаввурларни шакллантиришга йўналиш олади.

2. Ота-оналарнинг фарзандларига хиссий, амалий муносабатлари, фарзанднинг ижтимоий воқеликдаги нарса ва ходисаларга нисбатан муносабати хамда атрофдагилар билан муносабатида эмпатияни амалий намоён қилишларига ўз таъсирини кўрсатади.

3. Ўсмир ва илк ўспиринларнинг ижтимоий перцепцияси шаклланишида ота-она муносабатларига мос тарзда ўзининг стакчи фаолиятига таяниши асосий роль ўйнайди.

4. Ўсмирлардаги ижтимоий перцепциянинг шаклланишида "Мен тимсол"лари етакчи ижтимоий-психологик феномен сифатида намоён бўлади.

Илмий янгилиги:

1. Ижтимоий психология, этнопсихологияда оиладаги шахслараро муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепцияси таъсирига доир илмий изланишлар таҳлил этилиб, тизимлаштирилди.

2. Оиладаги шахслараро муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсири масаласи махсус ўрганилди ва ўсмирлик ҳамда илк ўспиринлик даврида ижтимоий перцепция хусусиятларининг ўзига хослиги аниқланди.

3. Ўсмирлар ва илк ўспиринларнинг ўзаро муносабатларига ижтимоий омил сифатида оила, тенгқурлар ва ўқув масканидаги турли жихатларнинг таъсири ёритилди.

4. Ўсмир ва илк ўспиринларнинг ижтимой перцепция таъсирида шаклланган "Ижтимоий Мен" тимсолига хос жиҳатлари аниқланди ва таҳлил этилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижалар ижтимоий психология, ёш даврлари психологияси, оила психологияси, мулоқот психологияси фанларини назарий жиҳатдан бойитишга ёрдам беради ҳамда психологиянинг махсус тармоғи сифатида санъат психологиясини назарий жиҳатдан тўлдиради. Олинган маълумотлар, хулоса ва амалий тавсиялардан ёш психологияси, педагогик психология, ижтимоий психология ва унинг махсус бўлимлари бўлмиш оила психологияси, гурух психологияси, санъат психологиясини ўқитишда ўқитувчи, тарбиячи, амалий психолог ва ота-оналар ўсмир ва илк ўспиринлар билан амалий иш олиб боришда фойдаланишлари мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари 2005-2008 йиллар мобайнида Учтепа миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи, Дизайн коллежи, Чилонзор туманидаги Алишер Навоий номидаги Нафис санъат лицейи, Учтепа туманидаги 228-мактаб, Чилонзор туманидаги 173-мактабда ўқув тарбиявий, маънавий, психологик хизмат жараёнларида татбиқ этилди.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Диссертацион тадқиқот натижалари илмий-амалий анжуманларда, Республика "Оила" илмий-амалий марказида, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Бирлашган ихтисослашган Кенгаш қошидаги илмий методологик семинарнинг 2009 йил 14 апрелида муҳокама қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Нашр қилинган ишларнинг умумий сони 12 та. Шулардан 6 таси журнал мақолалари, 3 та методик қўлланма ва 3таси илмий-амалий конференция материаллари.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 боб, 12 та параграф, хотима ва хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 147 бетдан иборат. Диссертация матнида 32 та жадвал, 5 та расм, 11 та мусаввирлар асарларидан намуналар акс эттирилган. Адабиётлар рўйхатида эса 210 та адабиётлар берилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, унинг тақдимоти очиб берилган.

Диссертациянинг **биринчи боби** «Ижтимоий перцепция ва шахслараро муносабатлар психологик феномен сифатида» деб номланиб, бунда муаммони ўрганилишига доир илмий манбалар таҳлили амалга оширилган.

Унда ўсмир ва илк ўспиринлар шахс хусусиятларининг шаклланишида оила ва оилавий муносабатларнинг таъсири кенг таҳлил этилган.

Бобнинг "Шарқ мутаффаккирлари қарашларида шахслараро муносабатлар перцепциясининг ўзига хос жиҳатларини талқин этилганлиги"

номли параграфида эса алломаларимиз Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Кайковус, Хотам Ибн Той, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин Ибн Фахриддин, Мукимий, Фуркат, Завқий Увайсий, Нодира, Абдулла Авлоний асарларидаги оила ва оилавий муносабатларга бағишланган масалаларни ёритилиши хусусида сўз борган ва уларнинг изчил таҳлили ёритилган.

Ушбу бобнинг "Ижтимоий психологияда шахслараро муносабатларнинг муаммо сифатида ўрганилганлиги" номланувчи биринчи параграфида шахслараро муносабат муаммосининг ижтимоий психологик тадқиқотларда ўрганилганлик ҳолатини тизимлаштиришга қаратилган. Бунда шахслараро муносабатларда муомаланинг инсон психик дунёсига таъсири масалаларини психолог олимлардан Л.С.Выготский, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Б.Г.Ананьев, А.В.Запорожец, А.А. Бодалев, Б.Ф.Ломов. А.А.Леонтьев, М.И.Лисина, В.М.Бехтерев, В.Н.Мясищев, Г.М.Андреева, И.В. Бестужев-Лада, В.В.Бойко, Г.М.Бреслав, А.Г.Волков, В.Гарбузов, И.А. Двойменний, Р.М.Капралова, С.В.Ковалев, В.П.Левкович, Э.И.Павлович, В.Л.Титаренконинг илмий ишлари, тадқиқот натижаларини ёритишга эътибор қаратганлар. Шунингдек, параграфда ўзбек олимларининг шахслараро муносабат муаммоси юзасидан олиб борган изланишларига мурожаат этиб, М.Г.Давлетшин, Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғ.Ғозиев, В.М.Каримова, Т.М.Адизова, Ғ.Ж.Бердиев, Н.А.Соғинов, М.Йўлдошев ва бошқаларнинг илмий тадқиқот натижалари бўйича таҳлил амалга оширилган.

"Тасвирий санъатда оиладаги шахслараро муносабатлар ва ижтимоий перцепциянинг акс этилиши хусусиятлари" номланувчи 1.3-параграфда эса жаҳоннинг машҳур мусаввирларининг оила, оилавий муносабатларга доир асарларида инсон ижтимоий перцепциясига таъсир кўрсатувчи ҳолатларни ўрганишга бағишланган. Бунинг учун Мурильо, Пьеро Делла Франческо, Ботичелли, Рафаэль Санти, Леонардо да Винчи, Микеланжело, Тициан каби буюк рассомларнинг бебаҳо асарлари юзасидан қисқача психологик изоҳ берилган. "Мадонна Литта" (Эрмитаж), "Қоядаги Мадонна" (Лувр) картиналарини, "Сирли окшом" (1495-97) деворий расмини, "Жаконда" номи билан машҳур бўлган "Мона Лиза" портретини (тахминан 1503, Лувр) картиналари, Рафаэлнинг "Мадонна ва гўдак", "Сикстин мадоннаси" асарлари; Рембрандт Хармес Ван Рейнинг. "Муқаддас оила" асари; Питер Пауль Рубенснинг "Муқаддас оила" асари; Камолиддин Беҳзод ва унинг издошлари Мир Мансур Мусаввир, унинг ўғли Мир Саид Али, Абдусамад Шерозий, Мавлоно Жалолиддин Юсуф наққош каби мусаввирларнинг фаолиятига эътибор қаратилиб, тасвирий санъат асарларининг инсон руҳиятига таъсири масаласи ёритилган.

Диссертациянинг **иккинчи боби** "Оиладаги шахслараро муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсирини ўрганишнинг амалий асослари" деб номланиб, унда оиладаги шахслараро муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсирини ўрганишнинг илмий-амалий асослари, оиладаги шахслараро

муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқот методикалари тавсифи ва тадқиқотни ташкил этиш режаси, тадқиқот объектининг ижтимоий-демографик ва психологик характеристикалари масалалари ёритилган.

Оилавий муносабатларни фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсирини аниқлашда тадқиқот объектларининг ижтимоий психологик ва демографик жиҳатларига кўра бир канча мезонлар асосидаги таҳлили баён этилган. Ушбу белгиланган мезонлар тадқиқот объектларининг ижтимоий мавкеи маълумотлилик даражаси, минтакавий яшаш муҳити ва энг зарур шароитларда муносабат шерикларини танлаш муаммоси, ижтимоий психологик табиатини яратишда қўл келди.

2.1. параграфда оиладаги шахслараро муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсирини ўрганишга қаратилган психодиагностик метод ва методикаларнинг пакетини тайёрлашга эътибор қаратилиб, шахслараро муносабатни психодиагностикасига доир методикалар тизими тадқиқот объектига кўра (гуруҳлар орасидаги муносабат, гурух ичидаги жараёнларни ўрганиш, диада муносабатлари ва бошқалар); тадқиқот хал этиши лозим бўлган вазифаларига кўра (гуруҳдаги жипсликни, хамкорликни ва бошқаларни ўрганишга қаратилган); тадқиқот методикаларининг тузилиш хусусиятига кўра (саволнома, проектив методика, социометрия ва бошкалар); шахслараро муносабат диагностикасини ўрганиш билан боғлик (субъектив муносабатларни ўрганиш методикаси, муносабат иштирокчининг шахс хусусиятларини ўрганиш методикаси, шахслараро муносабатдаги субъектив хусусиятларни ўрганиш методикаларидан иборат) гуруҳларга ажратилишига эътибор каратилган.

2.2. параграфда эса оиладаги шахслараро муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсирини ўрганишга оид методикалар тавсифи ва уларга боғлиқ равишда тадқиқотни ташкил этиш режаси хусусида сўз юритилди ҳамда улар тадқиқот мақсад ва вазифаларига мувофиқ тарзда изоҳланган.

Диссертациянинг 2.3. параграфи "Тадқиқот объектининг ижтимоий-демографик ва психологик характеристикалари" деб номланиб, унда тадқиқот объектларининг тадқиқот натижаларини таҳлил этишдаги энг асосий мезонлардан бири сифатида кенг кўламдаги тавсифи келтирилган.

Диссертациянинг **учинчи боби** "Оиладаги шахслараро муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсирини ўрганиш натижалари" деб номланади. Мазкур бобда тадқиқот методикаларини қўлланишдан олинган натижалар ва уларнинг таҳлилига эътибор каратилган. Эмпирик материаллар респондентларнинг эмоционал, мотивацион жиҳатлари ва фаолиятни бажарилишидаги ҳолатларига таяниб таҳлил этилган.

Бобнинг "Ота-оналарнинг болага хиссий ва амалий муносабатлари хусусиятларини ўрганишни эмпирик таҳлили" деб номланувчи биринчи параграфида "Сиз фарзандингизни амалий фаолиятидан бохабармисиз" саволномаси, А.Варга ва В.Столиннинг "Ота-оналарнинг болага муносабат"

тести, В.В. Бойко томонидан таклиф этилган «Болаларга нисбатан муносабатни аниқлаш» тестларини татбик этиш натижалари ёритилган.

Ота-оналарга фарзандларини бевосита фаолиятида учрайдиган оила, оилавий муносабатлар, дўстликка оид анкета саволлари бериб, бунда ота-оналарнинг фарзандлари фаолиятида бевосита иштирокларини ўрганишга ҳаракат килдик. Натижаларга мурожаат киладиган бўлсак, оталарнинг (47,22) ва оналарнинг (51,67 фоизи) бу асарлардан олдиндан хабардор ва таниш эканликларини (телевиденис ва тарихий асарлар оркали) билдирганлар. Шунингдек, оталар - 78,34 ва оналар - 84,63 фоиз кўпчилик кисми фарзандлари бевосита ушбу санъат асарлари билан бевосита таниш эканликлари ва амалий фаолиятида улар устида ишлашлари мумкинлигини кайд этганлар.

Тадқиқотда шунингдек ота-оналарнинг фарзандлари билан бевосита ушбу асарлар хусусида сухбатлашишда нечоғлик кизикишлари ва эътибор каратишлари суст эканлиги аниқланди (оталар - 24,38 оналар - 31,56). Бундан кўринадики, ота-оналар фарзандлари билан бевосита амалий ўкиш фаолиятида шуғулланиши мумкин бўлган ҳолатлар хусусида сухбатлашишга эътиборларининг бир мунча паст эканлиги, фарзандларни кизиқишлари уларнинг дунёқарашлари, атроф оламга муносабатларини, инсон табиатини ва уларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганишга бўлган кизиқишларини эътибордан четда қолдиришлари таълим-тарбия учун йўқотишларга сабаб бўладиган ҳолат, деб баҳоланиши мумкин. Фарзандлар ўкиш-амалий фаолиятида учратадиган турли хил мазмундаги тасвирий санъат асарларининг моҳияти оркали ўзларига ижобий таассурот билан бир қаторда, ижодий фаолиятлари учун туртки олишлари мумкин. Санъат асарлари инсонларнинг ташки қиёфаси оркали унинг ички оламини чукур тушунишга, инсон кечинмаларини сезиш ва идрок этиш, вокеа-ходисалар мазмунини сезилмас тимсоллар оркали англашга имкон берувчи восита эканлигини ота-оналар эътибордан четда қолдираётган эканлар. Аммо улар фарзандларининг бундай асарлар билан танишиб ва улар устида ишланлари фарзандлари дунёқарашларига ижобий таъсир кўрсатишига тўлиқ қўшилганликлари (100 фоиз).

Шунингдек, ота-оналарнинг болага муносабати натижаларига кўра ота-оналар болаларига нисбатан "Қабул килиш-рад этиш" шкаласи шундан далолат бермоқдаки, ота-оналарнинг асосий кисми ўз фарзандларини тушунишга мойил эканлар, уларни ўзига хослигини эъзозлаши ва вактини фарзандлари билан ўтказишга харакат қилишини ифодалайди. Ўрта даражадагиларда фарзандлари билан бирга бўлиш хоҳиши, улар билан бирга бўлиши амалий фаолиятдан кўра истак тарзда намоён бўлишига хослигини кўрсатади. Паст даражада деб, баҳолаган ота-оналар фарзандларини тушунишда кийналиши, улардан ранжиши ва амалий ёрдам кўрсатишда ожиз колаётганлигини билдиради.

"Хулкнинг ижтимоий исталганлиги" шкаласига кўра ота-оналар фарзандларининг фаолиятига, уларнинг режалари ва орзуларини амалга ошишига кизиқишларидан, уларни ютукларидан хурсанд бўлиши ва

рағбатлантириши, аклий ва ижодий қобилиятларини ўсишига кўмакдош бўлишга мойилликларини кўрсатади (8 фоиз), маълум бир қисм ота-оналар бу ҳолатнинг ўзларининг орзуларига айланиш билан чекланиб қолганлар (37 фоиз), ота-оналарнинг кўпчилик қисми эса, бу борада аник режага ва амалий фаолиятга эга эмасликлари билан ажралиб қолмоқдалар (55 фоиз).

"Симбиоз" шкаласида эса ота-оналар болаларини ўзларининг яхлит бўлаги сифатида баҳолаганлар, улар фарзандларини ҳаётий кийинчиликлардан сақлашга, кўнгилсизликлардан сақлашга интилиши (70 фоизи), аслида, бу табиий ҳол-эмпатия натижалари таҳлилида хам ота-онанинг болага ҳамдардликни билдириши ҳам буни тасдиклаган.

1-жадвал

Ота-онанинг болага муносабати натижалари

(А.Варга ва В.Столин тести бўйича)

№	Шкалалар	Юқори		Ўрта		Паст	
		М.к.	%	М.к.	%	М.к.	%
I.	Қабул килиш - рад этиш	181	60,3	76	25,3	43	14,4
II.	Хулкнинг ижтимоий исталганлиги	24	8	111	37	165	55
III.	Симбиоз	210	70	70	23,3	20	6,7
IV.	Авторитар-ижтимоийлашув	217	72,3	63	21	20	6,7
V.	Кичик омадсизлик	78	26	107	35,7	115	38,3

Уларнинг 23,3 фоизи эса симбиотик ҳолатни шакллантириш илинжида, 6,7 фоиз ота-она бунга эришишда ўзларида куч-қувват ва имконият топишда чекланаётганликлари кузатилади.

"Авторитар-ижтимоийлашув" шкаласида ота-оналар фарзандлари билан муносабатда назоратга алохида эътибор қаратиб, якка ҳукмронликни қўллаб-қувватлаганликлари (72,3 фоиз), 23,3 фоизи эса авторитарлик билан ижтимоийлашувнинг оралиқ босқичида эканликлари ва 6,7 фоиз ота-оналар болаларини эркин ҳаракатига, уларни мустақил фикрларини тинглашга мойилдирлар.

Ота-оналарни фарзандларига муносабатида ижтимоий перцепцияни шаклланганлигини ота-оналар ва фарзандларнинг ўзаро эмпатиясини ўрганиш орқали эришилди (И.М.Юсупов томонидан "Эмпатияга экспрессив диагностика қилиш" сўровномаси ёрдамида) (2-жадвал).

Методика ота-оналарга ва уларнинг фарзандлари учун мўлжалланиб татбиқ этилди. Тадқиқотдан олинган натижаларни ота-оналар ва фарзандлардаги эмпатияга қобилиятлилик орасидаги ички қонуниятларни аниклаш мақсадида корреляцион таҳлилга таянишни лозим топдик.

Натижаларнинг кўрсатишича, ота-оналар ва фарзандлар муносабатидаги эмпатия орасидаги ички муносабатлар уларнинг кайсидир ўринда муносабатлари, оиладаги тарбия мухитида бу нарсага эътибор каратилаётганлиги, болалар дунёкараши шаклланишидаги таъсир даражаси

нимага кўпрок каратилаётганлиги ва кайси жихатлар эса мулокот жараёнида эътибордан четда колаётганлигини изохлашга олиб келди.

Натижалар қуйидаги 2-жадвалда келтирилди.

2-жадвал

Ота-оналар ва фарзандлардаги эмпатиянинг мувофиклик даражасини баҳолаш

Ота-оналарнинг эмпатияга қобилиятлили и	Фарзандларнинг эмпатияга мойиллик натижалари						
		Ота-онага эмпатия	Ҳайвон-ларга эмпатия	Кексаларга эмпатия	Болаларга эмпатия	Бадиий асар қаҳрамонларига эмпатия	Нотаниш ва кам таниш кишиларга эмпатия
	Ота-онага эмпатия	0.451**	0.271*	0.378*	0.461**	0.245*	0.323*
	Ҳайвонларга эмпатия	0.228	0.199	0.211	0.164	0.162	0.162
	Кексаларга эмпатия	0.613**	0.208	0.456**	0.361*	0.227	0.245*
	Болаларга эмпатия	0.425**	0.327*	0.406**	0.541**	0.268*	0.271*
	Бадиий асар қаҳрамонларига эмпатия	0.177	0.242*	0.301*	0.158	0.147	0.207
	Нотаниш ва кам таниш кишиларга эмпатия	0.266*	0.174	0.278*	0.243*	0.219	0.283*

Изох: *p<0.05, **p<0.01

Ота-оналарнинг эмпатияга мойиллик кўрсаткичлари "Ота-онага эмпатия" шкаласи фарзандларнинг барча шкалалари билан ижобий боғланиш ҳосил қила олган (r=0.451, p<0.01; r=0.271, p<0.05; r=0.378, p<0.05; r=0.461, p<0.01; r=0.245, p<0.05). Бундан кўринадики, ота-оналар фарзандлари билан муносабатлари шароитида уларнинг атрофдаги кишиларга, воқеа-ҳодисаларга, нарсаларга бефарқ бўлмаслигини талаб этар экан ва шунга ўргатишни исташаркан. Аммо фарзандларнинг бунга муносабатларида ота-оналари улар билан муносабатларида ижобий корреляцион боғланиш билан бир қаторда эътибордан четда қолдирилган ҳолатлар мавжудлигини қайд этганлар, яъни ота-оналар фарзандларида ҳайвонларга r=0.199, p- аҳамиятсиз; ва бадиий асар қаҳрамонларига эмпатияни якколроқ намоён қилмаганликлари (r=0.162, p-аҳамиятсиз; r=0.162, p-аҳамиятсиз) ва кекса

кишиларда (r=0.211, p-аҳамиятсиз), болаларда (r=0.164, p-аҳамиятсиз) кузатилди.

Қолган шкалалар бўйича ота-оналар билан фарзандлар муносабатида етакчи ўрин бу инсонларга эмпатиянинг якколроқ намоён бўлиши (кексаларга эмпатия - r=0.456, p<0.01, r=0.406, p<0.01 болаларга эмпатия- r=0.361, p<0.01, r=0.341, p<0.01, нотаниш кишиларга эмпатия- r=0.266, p<0.05, r=0.245, p<0.05, r=0.271, p<0.05, r=0.283, p<0.05) кўзга ташланади. Бундан кўринадики, ота-оналар фарзандларига панд-ўгит бераётганларида биринчи ўринда диққат-эътиборларини инсон кадр-қиммати, атрофдагиларга хурмат туйғуси, инсонлар бошига муаммолар тушганда ёрдам бериш, уларни яхши тушуниш ва дардларига шерик бўлишни эътироф этар эканлар. Чунки, миллий ва маданий анъанларимизда ҳам инсон қадр-қимматини эъзозлаш, катталарга ҳурмат ва кичиклар иззат кўзи билан қараш керак нақли доимо уқтириб келинади.

Аммо болалар ўз эмпатияларида бадиий асар қаҳрамонлари билан ҳайвонларга эмпатияда (r=0.242, p<0.05), бадиий асар қаҳрамонлари билан болаларга эмпатия (r=0.268, p<0.05) да боғланиш ҳосил қила олганлар. Ота-оналарнинг дастлабки тажрибамиздаги сингари фарзандлари билан муносабатида ҳайвонларга, бадиий асар қаҳрамонларига нисбатан эмпатияларни намоён қилиш бир меъёрда эмаслигини инобатга олишимизга тўғри келади. Бу билан ота-оналар фарзандларининг ижтимоийлашувида табиатдаги нарса ва ҳодисаларга, ижтимоий муносабатларни реал жараёнларидан ташқари бўлган бадиий тимсоллар орқали ифодаланишини ҳам тарбия муҳити учун фойдаланишлари лозим, деган мулоҳазага олиб келади.

Учинчи бобнинг "Ижтимоий мухит таъсирида ўсмир ижтимоий перцепциясидаги ўзига хос хусусиятлари" деб номланган параграфида ижтимоий мухит таъсирида бола ижтимоий перцепциясини тадқиқ этишда ота-она ва фарзанд муносабатларининг айрим қирраларини ёритишга ҳаракат қилинди. Бунинг учун биз «Ота–оналарнинг ўз болалари билан мулоқоти», "Фарзандлар учун сўровнома"ларидан фойдаландик (3-жадвал).

3-жадвал

Ота-оналарнинг фарзанди билан муносабатини ифодаловчи кўрсаткичлар (%)

1	Сиз ишдан кўп чарчайсизми ёки оилавий муаммоларданми?	Ишдан чарчайман	Оилавий муаммолардан	Билмадим
		34,4	53,3	12,3
2	Сиз фарзандларингиз билан кўпроқ қайси мавзуларда ўзаро мулоқот қиласиз?	Ҳар хил мавзуда	Ўқишлари ҳақида	Қизикишлари ҳақида
		60,0	26,7	13,3
3	Оилангиздаги келишмовчиликларга кўпроқ нима сабаб бўлади, деб ўйлайсиз?	Қайсарлигимдан	Тушунмовчиликдан	Иктисодий етишмовчиликдан
		9,3	44,0	46,7

Шу нарсани унутмаслик лозимки, ота-оналар кундалик турмуш ва иш фаолияти билан боғлиқ муаммолар устида банд бўлишлари фарзандларининг фаолиятига эътибор қаратишда қийинчиликларга дуч келишлари табиий (ишдан чарчаш (34,4 фоиз) ва оилавий муаммолардан чарчаш (53,3 фоиз)).

Параграфда ўсмирларда ижтимоий перцепцияни шаклланишида ота-онанинг касбий фаолиятининг таъсири ҳам ўрганилган. Бунга кўра кузатувчанлик ўсмирларнинг ёшига хос хусусият экан. Эмпирик маълумотларга кўра, улар ўз ота-оналарини касбий фаолияти натижаларига караб, уларнинг нуфузига мослари (ўз касбида қолишини - 67,7 фоиз), ижтимоий мавкеи юқори бўлиш истаги (раҳбар сифатида ишлашини -12,8 фоизи), бугунги кундаги нуфузли касб эгаси (масалан, врач бўлишини -13,7 фоизи) эканлигини баҳолай олишлари; уларнинг ота-оналарини касбий фаолиятидаги қийинчилик ва енгиллик жиҳатларини таҳлил эта олганлиги (касб тўғрисидаги тасаввурларни) (82,8 фоиз), ишидаги қийинчиликларига (20,6 фоизи), кеч қайтиши (25,7 фоиз) нисбатан ҳам мустақил муносабат шаклланганлигини кўриш мумкин.

4-жадвал.

Фарзанднинг ота-онасини касбий фаолиятига муносабати (%)

	Ота-онанинг касбий фаолияти юзасидан муносабат				
1.	Ота-онангизни қайси касбда бўлишларини хоҳлардингиз?	Ўз касбларида	Раҳбар бўлиши	Доктор-врачлик касбида	Билмадим
		67,7	12,8	13,7	5,8
2.	Сизнингча ота-онангизнинг касблари қийинми ёки осонми?	Қийин	Осон	Билмадим	
		82,8	5,2	12	
3.	Ота-онангиз касбининг қайси томонларини ёқтирмайсиз?	Барча жиҳати	Кеч қайтиши	Ишлари қийинлиги	Кўп ёзишлари ва билмадим
		8,4	25,7	20,6	37,3
4.	Ота-онангиз касбининг қайси томонларини ёқтирасиз	Барча жиҳати	Касбни севиши	Ҳамма ҳурмат килиши	Барчага ёрдами тегиши
		26	25,7	20,6	27,7

Ўсмирлардаги ижтимоий перцепцияни шаклланишидаги таъсирларни ота-оналари касбига муносабати орқали уларни бошқалар томонидан эътироф этилиши (20,6 фоизи), касбий фаолиятини ижтимоий қўллаб-қувватлаш аҳамиятига эгалиги (27,7 фоизи), унинг касбий маҳоратини шахсий нуфузи учун аҳамият касб этиши (25,7 фоизи) тарзда баҳолашидан ҳам англаш мумкин.

Мазкур параграфда ота-онанинг фарзанд билан муносабати даражаси ва

унинг якунларини таҳлил этишда ҳам ўсмирларда мулоқот тактлари шаклланиши, муомала мотивлари ва унинг натижалари қандай якунланиши, оилавий муносабатларда энг якин кишилари кимлар эканлиги ҳам ёритилди.

Бобнинг учинчи параграфи "Оиладаги шахслараро муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсирини ўрганиш натижалари" деб номланиб, унда ўсмирларда ижтимоий перцепцияни шаклланишида айрим жиҳатлари, ўсмирларда ижтимоий муносабатларга мойиллик бўйича перцепциянинг шакланганлиги, ижтимоий перцепция шаклланишида ўсмирлардаги "Мен тимсоли" масалалари психологик таҳлил этилган.

Ўсмирларда ижтимоий перцепцияни шаклланишида айрим жиҳатларини ёритишда, уларнинг касб танлаш тўғрисидаги тасаввурларини, касбга нисбатан аниқ муносабатнинг шакланганлиги, касбнинг психологик тавсифига кўра "Социал Мен"и хакидаги илк таассуроти, рефлексияси, идентификациялаш жараёни тўғрисидаги муносабатни таҳлилига эътибор қаратилди. Е.А. Климовнинг "Дифференциал диагностик сўровномаси" муаммони ёритиш учун эмпирик маълумотлар олишга имкон берди (5-жадвал).

5-жадвал

Ўсмирларнинг касбий фаолиятга муносабати натижалари

	Нафис санъат лицейи			Касб-ҳунар коллежлари			Мактаб ўқувчилари		
Касб-лар	M	σ	t	M	σ	t	M	σ	t
И-И	5,15	1,51	6,30	5,20	1,27	1,64	5,01	1,43	2,26
И-Бо	5,73	2,17	6,83	4,30	1,49	27,38	3,05	1,83	1,88
И-Бт	3,68	1,84	5,45	3,41	1,64	6,04	3,71	1,63	1,57
И-тех	2,88	1,58	4,09	2,78	1,29	6,71	3,15	1,49	7,79
И-Таб	3,25	2,06	2,19	3,21	1,58	5,72	3,55	5,65	3,84

Изох: *p<0.05, **p<0.01, ***p<0.001



1-расм. Ўсмирларнинг касбий фаолиятига муносабати натижалари

Эмпирик маълумотларга кўра, ўсмирлар биринчи галда "Инсон-инсон" типидаги касб соҳасини танлаганлиги, уларнинг диққат марказида инсонлар билан ишловчи мутахассислар учун зарур сифатларга зарурат борлигини, уларнинг онла тарбиясида ҳам одамларни яхши тушуниш, инсонларни кечинмалари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш, уларни хатти-ҳаракатларини баҳолаши бўйича дастлабки тасаввурларни шаклланганлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Шунингдек, етакчи касб сифатида танлаганлари "инсон - бадиий образ"лари тизимига тегишли эканлиги респондентларни тасвирий санъат йўналишида таҳсил олаётганликлари бежиз эмаслиги, улар маълум вазифаларни бажаришда бевосита ушбу касб соҳасига алокадор фаолият элементларини бажаришга мойилликларини гувоҳи бўлиш мумкин (5,73±2,17, 4,30±1,49, 3,05±1,88). Яна шу нарсани эътироф этиш керакки, ўсмирлар "Инсон-инсон" ва "Инсон-бадиий образ" типидаги касб эгаларининг тимсолларини идентификациялашга ҳаракат қилишларининг гувоҳи бўлдик. Бундан кўринадики, улар касб танлаш жараёнида ушбу соҳа мутахассисларининг касбий қиёфаси, шахслараро муносабатдаги хатти-ҳаракатлари юзасидан ўз тасаввурларига эга. Уларда касб эгаларидан ўзларига "кумир" танлаган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас. Чунки, бу соҳа касб эгалари учун инсонни-инсон томонидан идрок этиш, одамнинг руҳий кечинмаларини яхши билиши лозимлиги, атрофидагиларни хулқи ва фаолият натижаларини тўғри баҳолай олиш кўникмаларига эга бўлишлари ўсмирларнинг ҳаётий кузатишлари, ота-оналари ёки катталарни маслаҳатлари орқали англай олганлар дейиш мумкин.

Уларнинг натижалари орасидаги корреляция қийматлари ўсмирлардаги касбий фаолиятга доир тасаввурларида дастлабки ижтимоий тимсоллар шаклланганлигини қайд этувчи статистик исбот борлиги кузатилди (6-жадвал).

6-жадвал

Нафис санъат лицейида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг шахс касбий фаолиятига хос жиҳатларни баҳолаш кўрсаткичлари

	Инсон-Инсон	Инсон-бадиий образ	Инсон-белгилар тизими	Инсон-техника	Инсон-табиат
Инсон-инсон	1	-0,075	-0,255*	-0,049	-0,039
Инсон-бадиий образ		1	-0,182	-0,235	-0,132
Инсон-белгилар тизими			1	0,248	0,393**
Инсон-техника				1	-0,281*
Инсон-табиат					1

Изох: *p<0.05: ** p<0.01.

Олинган кўрсаткичларга таянадиган бўлсак, текширилувчиларда "Инсон-инсон" тизимидаги касб эгалари "Инсон-белгилар тизими" касб соҳасидаги, "инсон-белгилар тизими" эса "Инсон-табиат" соҳасидаги касб эгалари билан тескари корреляцион боғланишга эга эканлиги ($r=-0.255$, $p<0.05$; $r=0.393$, $p<0.01$) ўзи-ўзидан уларни шахслараро муносабатни баҳолай олиши, фаолият натижалари тўғрисида дастлабки тасаввурга эгалиги, ўз имкониятларини танланган соҳага мос келиш-келмаслигини идентификация қила олиши, қизиқиш ва қобилиятларининг номутаносиблиги рефлексия шаклланаяпти, деган мулоҳазани бермоқда.

Биз ўз навбатида респондентларни ўқиш йўналишлари бўйича ҳам фарқлар кузатилиши мумкинлигини таҳлилига эътибор каратдик. Натижаларда тасвирий санъат йўналишига яқин соҳада таҳсил олаётган Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг "ДДО" методикаси натижаларини кузатишга муяссар бўлдик. Уларнинг кўрсаткичларида ҳам илк ўспирин ёшдагиларнинг касблар орасидаги тафовутларни баҳолай олганликлари ҳамда "Инсон-инсон" муносабатлари тизимига асосланиш "Инсон-белгилар тизими" йўналишидаги касб билан шуғулланувчи мутахассислардан фарқ қилишини баҳолай олганлигини гувоҳи бўлдик ($r=-0.316$, $p<0.05$) (7-жадвал). Ўсмирлар инсон белгили тизимида ишловчи ходимлар фаолиятида "субъект-субъект" муносабатидан кўра, "субъект-объект" муносабати муҳимлигини фарқлай олганлар. Бундан кўринади-ки, респондентларимиз бир хил ёш ва соҳавий йўналишлари бир-бирларига яқинлиги, улар томонидан воқеликни, шахслараро муносабат маконини ва атрофдагиларни идрок этишда ижтимоий муҳитнинг ўрнини баҳолаш тасаввурлари шаклланганлигидан далолат беради.

7-жадвал

Касб-ҳунар коллежлари йўналишида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг шахс касбий фаолиятига хос жиҳатларни баҳолаш кўрсаткичлари

	Инсон-Инсон	Инсон-бадиий образ	Инсон-белгилар тизими	Инсон-техника	Инсон-табиат
Инсон-инсон	1	-0,220	-0,316*	0,007	-0,043
Инсон-бадиий образ		1	-0,170	-0,114	-0,199
Инсон-белгилар тизими			1	-0,218	0,021
Инсон-техника				1	-0,084
Инсон-табиат					1

Изох: *p<0.05

Аммо бу билан уларни барча касб соҳаларига хос хусусиятларни

фарқлай оладилар деган хулосани бермайди. Чунки, касбий фаолият йўналишига доир тавсифланишнинг ҳар бирида яхлит психологик қиёфани акс эттирувчи сифатлар мавжуд. Ота-оналар, тоға, амаки ва бошқа қавму-қариндошларнинг касбий фаолиятидаги ютуқлари уларнинг бу борадаги тасаввурларини бойишига имконият яратган бўлиши табиий. Ўз навбатида бундай таассуротлар фарзандларнинг келажак режаларини тузишда, ўзи қизиққан касбига хос фазилатларига доир "идеал"ни шаклланишига эришади. Бу жараёнларнинг барчаси ўсмир ва илк ўспиринларнинг билиш фаолиятини ташкил этишга ҳам пойдевор ясайди. Ота-она тимсолидаги ёки бошқа қариндош тимсолидаги "идеал" боланинг "Идеал Мен"ида гавдаланади.

Ўтказилган тадқиқот натижалари ижтимоий перцепциянинг шаклланишида оилавий муносабатлар таъсирини ҳам ўрганиш зарурлигига олиб келди (8-жалвал). Тадқиқот натижалари ўсмирлар ҳаётида ҳар бир "Мен"нинг шаклланиши ўзини ҳаётга тайёрлаш, оиладаги тарбия муҳити, ўртоқлари ва ижтимоий муҳитдаги ўзаро таъсирлар туфайли камол топувчи

8-жадвал

Ўсмирларда "Мен тимсоллар" намоён бўлиш кўрсаткичлари

Мен		M	σ	t
"Реал Мен"	Ўғиллар	4,37	1,95	-1,46
	Қизлар	4,80	2,06	
"Идеал Мен"	Ўғиллар	3,42	1,42	1,45
	Қизлар	3,58	1,42	
"Социал Мен"	Ўғиллар	5,02	1,58	3,45**
	Қизлар	5,60	1,16	
"Жисмоний Мен"	Ўғиллар	2,34	0,90	0,44
	Қизлар	2,28	1,016	
"Ретроспектив Мен"	Ўғиллар	1,94	1,13	1,87
	Қизлар	1,62	1,03	

Изох: ** p<0.01.

яхлит шахслик мазмунини ифодаловчи муносабатлар тизимида гавдаланар экан. Тадқиқотда ўсмирлардаги "Мен тимсол"и ўзида ўсмирнинг реал кундалик фаолиятини, ота-она, дўстлари билан муносабатини ифодаловчи (реал), келажакда яхши касб эгаси, яхши инсон, яхши ота ёки она бўлиш орзуси (идеал), ўзини яхши фарзанд, дўст, ўқувчи, ўртоқларининг қадрдони (социал), келишган бола ёки қиз, кучли ва чаккон (жисмоний), ширинтой бола ва қизча (ретроспектив) иборат ҳаётининг турли босқичлари билан боғлиқ ҳолатларини акс эттирди. Натижаларда "Мен тимсол"ларида кескин фарқлар кузатилмаса-да, ўғил ва қизларда "Социал Мен"нинг етакчилик қилганлиги (5,02 ва 5,60) аниқланди (8-жалвал). Бу эса ўсмирлар шахс сифатида фақат ижтимоий муҳитда, атрофдагилар билан муносабатида, ўзини келажагини одамлар орасида кўриши мумкинлигидан далолат беради. Ўз навбатида "Мен тимсол"ларини бошкаларида ҳам "Социал Мен" билан

бошқа "Мен"лар орасида мазмуний боғланиш борлигини гувоҳи бўлдик. Чунки, "Реал Мен" билан "Идеал Мен"ни вақт жиҳатидан ажратганимизда "Социал Мен"дан ажратган ҳолда таҳлил берилса-да, мен аълочи ўқувчиман (реал), мен яхши рассом бўламан (идеал), аммо фазовий жиҳатидан эса "Социал Мен"-ўқувчи ёки рассом шахслараро муносабат, ижтимоий муҳитнинг яккол вакили сифатида ифодалаш билан характерланади. Ўсмирларда ҳаётга нисбатан интилиш, мақсадларни кенглиги, ижтимоий муҳитдаги зиддиятларга тўлиқ дуч келмаганликлари сабабли оптимистик рух устунлик қилиши, уларнинг ўтмишларига боғлиқ кечинмаларига камроқ мурожаат қилганликларини гувоҳи бўлдик ("Ретроспектив Мен"-1,94 ва 1,62 (8-жадвал)).

"Мен тимсол"лари орасидаги ички муносабатлар ўрганилганда қуйидаги эътиборли маълумотни қўлга киритишга муяссар бўлинди, яъни ўсмирлардаги умумий натижаларда биргина боғланиш кузатилди ("Социал Мен" билан "Жисмоний Мен" – r=0,324, p<0.01). Бу ўсмирларда шахслараро муносабатга кириб бориш, мулоқот доираси кенгайиши, атрофдагиларни назарига тушиши ўз навбатида унинг ташқи киёфаси ("имидж"и)га ҳам эътибор қаратишидан далолат бермоқда. Бундан кўринадики, ўсмирлар оилавий муносабатлардан ташқари ўз фаолиятларини жамият ҳаётидаги бошқа ижтимоий институтлар - маҳалла, таълим муассасаси, ҳар хил ёшлар ташкилотлари фаолиятига иштирок этишларини ҳам идрок этиб боришлари ушбу ҳолатларнинг мазмуний ифодаси, дейиш мумкин. Улар шундан келиб чиқиб, ораста, тоза ва замонавий кийиниш атрофдагиларнинг бирламчи идрок объекти эканлигини англай бошлаганидан далолатдир.

Шунингдек, ўсмир (ўғил)ларнинг натижаларида эса "Мен тимсол"лари орасида боғланишлар ("Реал Мен"билан "Жисмоний Мен"- r=0.324, p<0.05; "Социал Мен" билан "Ретроспектив Мен"- r=-0.359, p<0.05)да "Реал Мен"га талабнинг ошиши ўз ўрнида "Жисмоний Мен"га нисбатан ҳам эътиборни кучайтирар экан.

Шунингдек, ўсмир (ўғил)ларнинг натижаларида эса "Мен тимсол"лари орасида боғланишлар ("Реал Мен"билан "Жисмоний Мен"- r=0.324, p<0.05; "Социал Мен" билан "Ретроспектив Мен"- r=-0.359, p<0.05)да "Реал Мен"га талабнинг ошиши ўз ўрнида "Жисмоний Мен"га нисбатан ҳам эътиборни кучайтирар экан.

Улардаги кучли бўлиш, кўп ҳолларда шахслараро низоларни куч ишлатиш оркали ҳал этишга мойилликлари, организмдаги жисмоний ўсиш ижтимоий муҳитдаги муаммоларни ҳал этишда ўз таъсир кучини сақлаб колишига сабаб бўлади. Ўз навбатида "Социал Мен"даги ўсиш ва ўзгаришлар "Ретроспектив Мен"га нисбатан эътиборни сусайишига олиб келар экан, деган хулосани берди.

Қизларда эса тенгдош болалардан фарқли ўларок ўсмирларнинг умумий натижаларидаги анъана сакланиб колган, яъни "Социал Мен"даги ижобий ўзгаришлар "Жисмоний Мен"га ҳам ўз талабларни ортишига олиб келар экан (- r=0.371, p<0.05).

Бу эса қизларнинг ижтимоий перцепциясида ёши улғайган сари ижтимоий муҳит талаблари, кадриятларга шахсий позицияларини мувофиқлаштиришда анча хушёрликни тақозо этади. Ўз ўрнида ушбу огоҳлантиришга мос тарзда ўз хулқ-атвори ва шахсий муносабатларини мувофиқлаштириб олган қизлар оилавий ва оиладан ташқари муносабатларда камдан-кам тўсиқларга дуч келишлари табиий.

Тадқиқотдаги эмпирик маълумотларга кўра, "Мен тимсол" ўсмирлар ижтимоий перцепцияси учун яккол шахсий киёфаларни акс эттирувчи феномен ҳолат экан.

ХУЛОСАЛАР

Оилавий муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсири муаммосини тадқиқ этиш қуйидаги хулосаларга олиб келди.

1. Оилавий муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсирини ўрганиш ўзбек миллий мухити учун янги тадқиқот муаммо бўлиб, бу борада аниқ ва кенг кўламда тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Бу эса тадқиқот мавзуси юзасидан изланиш олиб боришга зарурат туғдиради.

2. Фарзанд ижтимоий перцепциясини ёритишда тадқиқот объектлари учун аниқ мезонлар белгилаб олиш муаммони ёритиш имкониятини оширади. Шуни ҳисобга олиб, ўсмирлардаги ижтимоий перцепцияни ёритишда унинг ижтимоий фаолиятига эмоционал, мотивацион ва амалий жиҳатдан ёндашиш энг қулай вариант бўлиб қолади.

3. Ота-оналарнинг фарзандларини қабул қилиши, уни индивидуаллигини ҳурматлаши, ўз вақтини болаларга ажрата олиши, қизиқишлари ва интилишларини қўллаб-қувватлаши "симбиоз" муносабатларни ўсишига ва "кичик омадсизлик"ни пасайишига олиб келади. Натижада ота-онада болани тушуниш, хатти-ҳаракатларини тўғри идрок этиш, ундаги нуқсонларни тузатишга ота-она ҳамкор бўлиши, болага ишонч кўзи билан қараш туйғуси шаклланади. Ота-оналардаги бу туйғуни шаклланиши фарзандларининг амалий жиҳатдан ижтимоий муносабатларнинг яккол субъекти сифатида иштирок этишни таъминлайди.

4. Бизнинг тадқиқотларимизда ота-она ва фарзандлар ўртасида ўзаро симпатия ёки аксинча антипатия ҳисларини шаклланишига боғлиқ эканлиги исботланди.

5. Ота-оналарнинг эмпатияга мойиллик кўрсаткичлари шкаласи фарзандларнинг барча шкалалари билан ижобий боғланиш ҳосил қила олган. Бу ота-оналар фарзандлари билан муносабатларида уларнинг атрофдаги кишиларга, воқеа-ҳодисаларга, нарсаларга бефарқ бўлмасликларини талаб этадилар ва шунга ўрганишларини истаган экан.

6. Ота-оналар фарзандлини қизиқишларига бефарқ эмаслиги, фарзандининг доимо назоратда ушлашга мойиллиги, фарзандини ўзининг издоши бўлишига истаги борлиги, ўз касбий фаолияти юзасидан фарзандининг тўла хабардор бўлиши ҳамда ҳамсуҳбат санаши, фарзандининг ота-онасини касбий фаолиятидан қониқиши унинг ижтимоий перцепциясини шаклланишига таъсирини кўрсатади.

7. Ота-оналарнинг касбий фаолияти билан оилавий масалалардаги муганосиблик фарзанднинг тенгдошлари билан муносабатида, ўзи таҳсил олаётган гурухдаги статусига таъсир кўрсатишини ҳам белгилай олишларига имкон беради.

8. Ўсмирлар шахс сифатида шаклланишда ўз мухитига идентификация килиш билан бир каторда бошқаларга нисбатан муносабат ва у асосида ўзининг турмуш тарзига рефлексияни шакллантиришга мойил. Ўсмирларда ижтимоий перцепциянинг ўзига хослиги улардаги кузатувчанликнинг шаклланганлигида: ўз ота-оналарини касбий фаолияти натижаларига караб, нуфузига эга бўлиш истаги (ўз касбида қолишини – 67,7 фоиз), ижтимоий мавкеи юкори бўлиш истаги (раҳбар сифатида ишлашини -12,8 фоизи), бугунги кундаги нуфузли касб эгаси (масалан, врач бўлишини -13,7 фоизи) эканлигини баҳолай олишади ва ота-оналарини касбий фаолиятидаги кийинчилик ва енгиллик жиҳатларини таҳлил эта олади.

9. Ўсмирдаги ижтимоий перцепция шаклланишида унинг ота-она касбий фаолиятига муносабатидан ташкари у томондан касбий фаолиятга мойиллик, касбий фаолият мотивларини ижтимоий характерини англаши, инсонларни касбий фаолиятига кўра типланишига мансублиги муносабатига эгалиги оркали ҳам шаклланади. Бу респондентларнинг тасвирий санъат йўналишида таҳсил олганлиги боис, унинг касб-корлигига кўра "Инсон-инсон", "Инсон-бадиий образ" тизимидаги касбларга хос хусусиятларни яхши идрок эта олишида гавдаланди.

10. Ўсмирлардаги "Мен тимсоллари" орасида биргина боғланиш кузатилган бўлиб ("Социал Мен" билан "Жисмоний Мен" – r=0,324, p<0.01), бу ўсмирларда шахслараро муносабатга киришишда, мулокот доирасини кенгайишида ва атрофдагиларнинг назарига тушишида унинг ташки киёфаси ("имидж"и)га ҳам эътиборини каратиши етакчилик килишини гувохи бўлдик.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Курбонова Г.А. Тарбияда отанинг ўрни // "Оила" журнали. -Тошкент, 2005. -№ 1. - 92-93 бет.

2 Курбонова Г.А.Онанинг кўнгли болада... аёлнинг оила мухитига ижтимоий таъсири // "Ҳаёт ва қонун" журнали. - Тошкент, 2005. - № 5-6. - 60-61 б.

3. Курбонова Г.А. Оиладаги шахслараро муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепциясга таъсири хусусиятлари // Педагогик таълим. -Тошкент, 2006. -№3. - 21-23 б.

4. Курбонова Г.А. Тасвирий санъатни оилавий шахслараро муносабатларнинг яхшиланишидаги таъсири // Мактаб ва ҳаёт. - Тошкент, 2007.- № 2. - 12-13 б.

5. Курбонова Г.А. Ўкувчиларни касб-хунарга йўналтиришда синф рахбарлари ва ота-онанинг тутган ўрни // Мактаб ва ҳаёт. -Тошкент, 2008. - № 2. - 4-5 б.

6. Курбонова Г.А. Ота-она муносабати ва фарзанд ижтимоий

перцепцияси // Мактаб ва ҳаёт. - Тошкент, 2009. -№ 3. - 10-13 б.

7. Курбонова Г.А. Ўкувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишларини ташхил этишда синф рахбарлари билан ота-оналар хамкорлиги // Таълимнинг узлуксизлигини таъминлашнинг ташкилий – педагогик асослари мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2006. 24-25 ноябрь, -213-214 б.

8. Курбонова Г.А. Бола шахсини ривожланишида ота-она муносабатининг таъсири // Бола шахсини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари: II-Халкаро илмий-амалий анжуманининг тезис ва маколалар тўплами. -Тошкент, 3-5 апрель 2008. -287-288 б.

9. Курбонова Г.А. Ўзбек тасвирий санъат усталари асарларида оила мавзуси // Тасвирий ва амалий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш самарадорлигини ошириш масалалари мавзусида ўтказилган илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент, 2008. -133-135 б.

10. Курбонова Г.А., Шодиева Р. Иродангиз қай даражада? Методик қўлланма. Тошкент, 2005.- 63 б.

11. Курбонова Г.А., О.Х. Умурзоқова Тасвирий санъат дарсларида қоғозлардан унумли фойдаланиш методикаси. Методик қўлланма Тошкент, - 2007 . -115 б.

12. Курбонова Г.А. Тасвирий санъат усталари асарларида оила мавзуси. Ўқув-услубий қўлланма, Тошкент, 2009. -52 б.

Психология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Гулчехра Абдуллаевна Курбонованинг 19.00.05 - ижтимоий психология; этнопсихология ихтисослиги бўйича "Оиладаги шахслараро муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсири (тасвирий санъат йўналишида таҳсил олаётган ўқувчилар мисолида)" мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: перцепция, ижтимоий перцепция, шахслараро муносабат, оила, оилавий муносабатлар, ота-она муносабати, фарзанд, фарзанд ижтимоий перцепцияси, тасвирий санъат, касбий тасаввур, идентификация, рефлексия, "Мен тимсол", феномен.

Тадқиқот объектлари: Алишер Навоий номли нафис санъат лицейи ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари; касб-хунар коллежи ўқувчилари ва уларнинг ота-оналаридан иборат 650 та респондент.

Ишнинг мақсади: ўзбек оиласида шахслараро муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсирининг психологик хусусиятларини ўрганишдир. Бунда асосан ўсмир ва илк ўспиринларнинг шахс перцептив хусусиятларини тасвирий санъат методлари орқали тадқиқ қилиш, оиладаги фарзанд ҳис-туйғусини шаклланишида санъатнинг ролини ўрганиш устувор этиб белгилаб олинди.

Тадқиқот усуллари: "Оиладаги ҳаётга муносабатни аниқлаш", "Варга-Столин" тести, "Болаларга бўлган муносабатни аниқлаш" (В.В.Бойко тести) "Эмпатияни экспрессив диагностика қилиш" методикаси (И.М.Юсупов), "Дифференциал-диагностик сўровнома", М.Куннинг "Мен кимман?" проектив методикаси, Холланднинг "Шахс типлари ва уларга мос касбларни аниқлаш" тести, «ИПМ - ижтимоий-психологик мослашганлик» сўровномаси, шунингдек, суҳбат ва кузатиш методлари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: тадқиқотимизда биринчи марта оиладаги шахслараро муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсири хусусиятлари ўрганилди, ўсмирлик даврига хос шахслараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлиши, ўсмирлик ва илк ўспиринлик даврларидаги ижтимоий перцепциянинг психологик хусусиятлари ўрганилди.

Амалий аҳамияти: олинган натижалар ижтимоий психология, ёш даврлари психологияси, оила психологияси, мулоқот психологияси фанларини назарий жиҳатдан бойитади ҳамда психологиянинг махсус тармоғи бўлган санъат психологиясини назарий жиҳатдан тўлдиради.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Олинган натижалардан ўсмирлар ижтимоий перцепциясининг шаклланиши юзасидан тавсиялар беришда, ташхис Марказларининг фаолиятида, ижтимоий-психологик маслаҳат усулларини ўрганишда амалий ва назарий маълумотлар билан тўлдирилади ва бойитилади.

Қўлланилиш (фойдаланиш) соҳаси: "Ижтимоий психология", "Оила психологияси","Оила педагогикаси", "Амалий психология", "Ташхис Марказлари".

РЕЗЮМЕ

диссертации Курбановой Гулчехры Абдуллаевны на тему: «Влияние межличностных отношений в семье на социальную перцепцию ребенка (на примере учеников, обучающихся изобразительному искусству)» на соискание ученой степени кандидата психологических наук по специальности 19.00.05 - социальная психология; этнопсихология

Ключевые слова: перцепция, социальная перцепция, межличностные отношения, семья, семейные отношения, отношения родителей, дети, социальная перцепция детей, изобразительное искусство, профессиональное воображение, идентификация, рефлексия, «Я-образ», феномен.

Объекты исследования: ученики лицея изящных искусств имени Алишера Навои и общеобразовательных школ; студенты профессиональных колледжей и их родители. Всего 650 респондентов.

Цель работы: исследование психологических особенностей влияния межличностных отношений в узбекской семье на социальную перцепцию ребенка. При этом обозначено приоритетным изучение перцептивных особенностей личности с использованием методов изобразительного искусства и изучение роли искусства в формировании восприятия ребенка в семье.

Методы исследования: «Определение отношения к семейной жизни» (тест Варга-Столина), тест по определению отношения к детям (тест В.В. Бойко), методика «Экспрессивной диагностики эмпатии» (И.М. Юсупов), Дифференциально-диагностический опросник, проективная методика Купа «Кто Я?», тест Холланда по определению типов личности и соответствующий им профессий, опросник СПА – социально-психологической адаптации, а также методы беседы и наблюдения.

Полученные результаты и их новизна: впервые специально изучены психологические особенности влияния межличностных отношений в семье на социальную перцепцию ребенка; исследованы проявления особенностей межличностных отношений, свойственных подростковому периоду и психологические особенности социальной перцепции подросткового возраста и ранней юности.

Практическая значимость: Полученные результаты теоретически обогащают такие направления психологии как социальная психология, возрастная психология, психология семьи и психология общения, а также дополняют психологию искусства в качестве специальной отрасли психологии.

Степень внедрения и экономическая эффективность: Результаты диссертации могут быть использованы в составлении рекомендаций по формированию социальной перцепции подростков, в деятельности диагностических центров, в изучении методов социально-психологических советов дополняют и обогащают теоретическими и практическими данными.

Область применения: Социальная психология, психология семьи, педагогика семьи, прикладная психология, диагностические центры.

RESUME

Thesis of Gulchekhra Abdullaevna Kurbanova on the scientific degree competition of the doctor of sciences psychologi speaciality 19.00.05-Social psychology and etnopsychology "Influence of interpersonal relations in family on the social perception of a child (In example of fine art)"

Key words: perception, social perception, interpersonal relations, family, family's influence,
parent's influence, children, social perception of a child, fine arts ,professional fancy, identification, reflection, "I am" phenomenon .

Subjects of the research: pupils of fine arts lyceum by Alisher Navoiy and general education schools, students of vocational colleges, their parents. Total 650 persons.

Aim of the enquiry: Special study of psychological features of the influence of interpersonal relations in an Uzbek family on the social perception of a child. At that denoted priority study perceptive feature of a person by using methods of fine arts and study functions of arts in the forming of child's perception in a family.

Methods of the research: "Determination of the attitude to family life" (Test of Varga-Stolin), Test of determination attitude to child (test V.V.Bayko), methods "expressive diagnostics of empathy" (I.M.Yusupov), difference-diagnostically survey, projecting method by Kuna, "Who am I?", test by Holland on determination types of personality and corresponding them with specialty, special based survey, social-psychological adaptation and as well as interlocution and observation methods.

The results achieved and their novelty: scientific novelty of research is that for the first time were specially studied the influence of interpersonal relations in a family on child's social perception. It's also studied demonstrations of interpersonal features of teenagers, peculiar of teenagers' period and psychological features of social perception of teenagers.

Practical value: findings during the research, conclusions can theoretically enrich contents of the courses "Social psychology", "Family psychology", "Age psychology" and as well as complete theoretically as a special branch of psychology.

Degree of embed and economical effectivity: results of the thesis can be used in recommendations according to forming social perception of teenagers, in the activities of diagnostic centers, in the study methods of social-psychological recommendations.

Sphere of usage: Social psychology, Family psychology, Family pedagogic, Practical psychology, Diagnostic centres.